БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (1041)
21 ФЕВРАЛЬ
ЖУМА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## Украина Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Украина ССР комсомол ташкилотларининг ёшларни Донбассда янги шахталарни жадал усулда қуриш соҳасида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг топшириқларини муваффақиятли равишда бажаришга сафарбар қилиш йўлида олиб борган катта ишларини ҳамда давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим ишда кўрсатган ташаббусини тақдирлаб. **Украина Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Ленин** ордени билан мукофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.**
**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль,
1958 йил 18 февраль.

## Меҳнат қаҳрамонлари, янги ҳаёт ижодкорлари

Бутуниттифоқ пахтакорлар кенгаши кеча Москвада ўз ишини тамомлади. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Арманистон колхоз қишлоқларининг энг яхши кишилари қишлоқ хўжалигимизнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган пахтачиликни янада ривожлантириш учун ғоят зарур масалаларини катта Кремль саройида партия ва ҳукумат раҳбарлари билан бирликда икки кун муфассал ва амалий муҳокама қилдилар.

Пахта далалари илғорларининг Бутуниттифоқ кенгаши Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг улуғвор биносини қураётган совет халқлари бузилмас дўстлигининг ёрқин намойишига айланди. Нотиқларнинг сўзларида ҳам, Кремль саройида бўлган ўртоқларча самимий суҳбатларда ҳам, кенгаш қатнашчилари хох ўзбек, ёки тожик, хох туркман ёки қозоқ, хох қирғиз ёки қорақалпоқ, хох рус ёки украин, хох озарбайжонли ёки армани бўлсин — ўз ўртоқларининг меҳнатда эришган муваффақиятларини табриклаб чалган қизғин қарсакларида ҳам, хуллас ҳамма нарсада социалистик миллатлар ўртасидаги дўстлик руҳи сезилиб турди.

Кенгашнинг муътабар трибунасида сўзга чиққан ҳар бир киши Совет ҳокимияти йилларида Ўрта Осиё, Закавказье ва Қозоғистон халқларининг ҳаётида рўй берган буюк ўзгаришлар тўғрисида ифтихор билан гапирди. Республикаларнинг вакиллари ўз халқларининг экономикаси, фан ва маданияти мислсиз гуллабяшнаганлигини, миллий кадрлар ўсганлигини ёрқин факт ва мисоллар билан кўрсатдилар. Кенгашнинг қатнашчилари — меҳнат қаҳрамонлари, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг талантли ташкилотчилари, деҳқончиликнинг моҳир усталари, янги ҳаёт ижодкорлари ана шу жуда катта ўзгаришларнинг ҳаммасининг энг яхши шоҳидларидир.

Кенгашда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ С. Камоловнинг, Тожикистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Т. Ўлжабоевнинг, Туркманистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ С. Бобоевнинг, Озарбайжон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Мустафоевнинг, Қирғизистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Раззоковнинг, Қозоғистон КП Жанубий Қозоғистон область комитетининг секретари ўртоқ И. Юсуповнинг, Арманистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Кочиняннинг докладлари тингланди. Докладлар юзасидан музокараларда неча ўнлаб колхозчилар, механизаторлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Улар ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар, ўз хўжаликларининг меҳнаткашларини қизиқтираётган масалаларгагина тўхталиб қолмай, балки давлат нуқтаи назаридан энг муҳим бўлган проблемаларни ҳам кўтардилар. Пахтакорлар кенгаши қатнашчиларининг бугун «Правда»да эълон қилинган нутқлари қишлоқ хўжалигидаги барча ходимлар учун катта аҳамиятга эгадир.

Пахтакорлар кеча КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг нутқини самимий кутиб олдилар.

Улуғ Ленин васиятларига содиқ бўлиб келаётган Коммунистик партия мамлакатимиздаги барча миллатларнинг миллион-миллион меҳнаткашлар оммасини янги турмушни онгли равишда яратишга жалб қилди. «Омманинг жонли ижодкорлиги, — деган эди В. И. Ленин,— мана шунинг ўзи янги жамоатчиликнинг асосий факторидир». Бепоён Ватанимиз халқларининг яйрабяшнаганлиги, совет республикаларидаги экономика ва маданият юксалганлиги — ленинча миллий сиёсат оғишмай амалга оширилганлигининг, улуғ Ленин васиятлари тантана қилганлигининг натижасидир.

Шарқдаги совет республикаларининг ғалабалари ҳар бир совет кишисини қувонтириб руҳлантирмоқда. Шу республикалар хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришдаги муваффақиятлар айниқса каттадир. Ўтган йил мамлакатимиз пахтадан 4 миллион 355 минг тонна ҳосил олди. Бу эса чор Россиясида 1913 йилда етиштирилган пахтадан қарийб олти баравар кўпдир. Совет Иттифоқи пахта етиштириш жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринга чиқиб олди, пахтанинг ҳосилдорлиги жиҳатидан эса биринчи ўринда турибди.

Юзлаб колхозлар ва совхозлар, бригадалар ва звенолар пахтадан ғоят кўп ҳосил олишга муваффақ бўлдиларки, бундай ҳосилни илгари ҳеч бир деҳқон ҳаёлига ҳам келтира олмас эди. Ҳозирги вақтда юз ва минг гектарлаб ерларда пахтанинг ҳар бир гектаридан 34-40 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олаётган пахтакорлар оз эмас. Илғорларнинг тажрибалари бизнинг ажойиб муваффақиятимиздир. Кремлдаги кенгашда шу илғорлар тажрибасидан қандай қилиб кенг фойдаланиш, шу тажрибани ҳар бир колхозда ва совхозда, ҳар бир районда қўлланиш тўғрисида кўп ва муфассал гапирилди.

Кенгаш қатнашчилари илғор хўжаликларнинг тажрибаларини ва энг яхши пахтакорларнинг тажрибаларини ҳамма жойда татбиқ қилиш саноатимиз учун ғоят қимматли бўлган мана шу хом ашёнинг ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг асосий манбаи эканлигини айниқса уқтириб ўтдилар. Чигитни квадрат-уялаб экиш, қатор ораларини торайтиб экиш ва пахтазорларда қатор ораларини машина билан икки томонлама ишлаш сингари агротехниканинг прогрессив усулларига энди ҳеч ким шубҳаланмайдиган бўлиб қолди. Шу янги усулларни жорий қилишга ўз вақтида қаршилик кўрсатган консерваторларнинг важларини турмушнинг, практиканинг ўзи пучга чиқарди. Минглаб илғорлар шу усулларни қўлланаётганликлари туфайлигина пахтадан йил сайин мўл ва барқарор ҳосил олмоқдалар. Афсуски кўпгина пахтакор районларимизда ҳосилдорликнинг фарқи ҳали ҳам катта. Илғор хўжаликлар билан бир қаторда шу илғорларга қараганда бир ярим-икки баравар кам ҳосил олаётган колхозлар ва совхозлар бор. Бу фарқнинг сабаби нимада? Гап шундаки, баъзи хўжаликлар янгиликларни дадиллик ва қунт билан татбиқ қилмоқдалар, баъзи хўжаликлар эса ғўзани отабободан қолган эски усул билан ўстиришни ҳали ҳам давом эттирмоқдалар.

Ғўза ўстиришга доир ишларнинг ҳаммасини механизациялаштириш учун кескин кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида кенгашда бaралла гапирилди. Бунинг сабаби ҳам маълум. Экин майдонлари кенгайиб бораётганлиги, шунингдек пахтанинг ялпи ҳосилини янада кўпайтириш вазифалари меҳнат унумдорлигини оширишни, пахтанинг ҳар бир центнерини етиштирмоқ учун сарфланаётган меҳнатни камайтиришни биринчи ўринга қўймоқда. Кўп хўжаликларда пахта далаларида ишларнинг кўпчилиги қўлда бажарилмоқда, бу соҳада машина билан қилинаётган ишларнинг ҳиссаси жуда кам.

Кенгаш қатнашчилари йирик социалистик ишлаб чиқариш шароитида машиналарни кенг қўлланмасдан туриб ҳосилдорликни ошириш масалаларини ҳал қилиб бўлмаслигини уқтириб ўтдилар. Баъзи хўжаликлар машиналарни кенг қўлланиш натижасида қўл меҳнатининг ота-боболардан қолган қурол бўлган кетмондан батамом қутилганликларини кўрсатувчи мисоллар айтиб берилди. Масалан, Фарғона областининг Тошлоқ районидаги колхозларда ғўза қатор ораларини кетмон ишлатмай, машина билан ишлашни жорий қилиш учун бошланган ажойиб ҳаракат авж олиб кетди. Фактлар шуни кўрсатадики, ғўза қатор оралари машина билан ишланганида, пахтанинг ҳар бир центнерини етиштирмоқ учун кетмон билан ишланганига қараганда икки баравар кам меҳнат сарф бўлмоқда, пахтанинг ҳосилдорлиги эса анча ошмоқда.

Сўзга чиққан пахтакорларнинг ҳаммаси ҳосилни кўпайтириш тўғрисида гапирдилар. Қизғин кўклам экиш ишлари бошланиб кетишига оз вақт қолди. Пахта далаларининг меҳнаткашлари бу йилги кўкламни зўр меҳнат ғайрати ва сиёсий кўтаринкилик билан кутиб олмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаатидан руҳланган пахтакорлар бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб, мамлакатга кўпроқ пахта беришни ваъда қилмоқдалар. Улар қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида Коммунистик партия XX съезди белгилаб берган вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшмоқ учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфламоқдалар.

Пахтакорларнинг Кремлда ўтказилган кенгаши партия ва халқнинг енгилмас бирлигини яна кучли суратда намойиш қилиб кўрсатди. Кенгаш қатнашчилари Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида амалга ошириб келаётган тадбирлари самарали натижалар бераётганлиги тўғрисида якдиллик ва самимий миннатдорчилик билан гапирдилар.

Пахтакор республикаларнинг меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ҳеч шубҳа йўқки, пахтакорлар янги меҳнат ғалабалари билан севикли Ватанни қувонтириш учун ўз кучларини аямайдилар.

(«**Правда**»нинг 20 февралдаги бош мақоласи).

# ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

Эрталабки мажлисда биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР даги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳ. Турсунқулов** сўзга чиқди. У 20 йилдан бери ўзи раислик қилиб келаётган кўп миллатли қишлоқ хўжалик артелининг муваффақиятлари тўғрисида гапириб берди. Колхоз 1957 йилда об-ҳаво шароити ноқулай келганига қарамай, 46.700 центнердан ортиқ пахта етиштирди. Колхознинг пахтачилик соҳасида ишлаётган ҳар бир аъзосига 6 тоннадан пахта тўғри келади. Бунга ғўзаларни квадрат-уялаб жойлаштириш ва ғўза қатор ораларини узунасига-кўндалангига ишлаш туфайли эришилди. Ўтган йил колхознинг пул даромади 20 миллион сўмдан ортди.

Ўртоқ Турсунқулов ўтган йил колхоз тажриба сифатида МТС дан техникани ижарага олиб фойдаланганлигини айтди. Бу тажрибанинг натижалари муваффақиятли бўлиб чиқди: тракторларнинг иш унуми ортди, тракторларнинг бекор туриш ҳоллари камайди, тракторчилар ҳам анча яхшироқ ишлайдиган бўлиб қолди. Колхозда илгари қўл меҳнати билан шуғулланувчи кўп колхозчилар бошқа ишлар учун бўшатиб берилди.

Минбарда — Тожикистон ССРдаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Х. Назаров.** У ўзи раҳбарлик қилаётган колхоз пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни йил сайин кўпайтираётганлиги ҳақида гапирди. Ўтган йил колхоз ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 40,2 центнердан пахта олди, бу йил эса гектарига 45 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқда. Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори уч йил мобайнида 900 литр кўпайтирилиб. 2.500 килограммни ташкил этди. Колхозчилар боғдорчилик ва токчиликни ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар.

Хўжаликни ҳар томонлама ривожлантириш катта даромад келтиради. Ўтган йил колхознинг даромади 22.300 минг сўмга етди.

Шундан кейин Озарбайжон ССРдан Бардан район партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Оғаев** сўзлайди.

— Районимизнинг колхозчилари, — деди у, — пахтачиликни ривожлантириш соҳасида сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Районимиз 1956 йилдагига нисбатан 4.600 тонна ортиқ пахта топширди. Колхозлар пахтачиликдан 1955 йилдагига нисбатан икки баравар кўп даромад олдилар. Бундай ўсишга меҳнатни анча камроқ сарф қилган ҳолда эришилди. Верхне-Карабах каналининг ишга туширилиши натижасида районда янги ерлар ўзлаштирилмоқда.

Ўртоқ Оғаев район қишлоқларида колхозларнинг куч ва маблағлари ҳисобига беш йил мобайнида 100-дан ортиқ маданий-маиший муассасалар, шу жумладан 10 ўрта мактаб, 10 касалхона, 16 клуб ва маданият уйлари қурилажагини айтди. Ҳамма колхозлар электрлаштирилмоқда. 15 колхозда эса водопроводлар қурилмоқда.

Қирғизистон ССР дан Фрунзе номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **У. Отабекова** ўзи раҳбарлик қилаётган колхоз ҳар гектардан 26,3 центнер пахта териб олганлигини айтди. Лекин бу чегара эмас, албатта, деди у. Биз гектарига 40-45 центнердан ҳосил етиштира оламиз. Буни илғор звенолар ва бригадаларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди.

Бу йил биз катта майдонларда чигитни квадрат-уялаб экадиган сеялкалар билан экамиз. Сеялкаларнинг яхши ишлаши учун, шунингдек ғўзани суғориш учун далаларни яхши текислаш керак. Биз далаларни текислаш учун зарур машиналар билан таъминлашни илтимос қиламиз. ДТ-24 тракторларини ҳам кўпроқ ишлаб чиқариш керак, чунки бундай тракторлар ғўза қатор ораларини ишлаш учун жуда қулайдир. Биз саноатдан юқори сифатли ва етарли миқдорда минерал ўғитларни ҳам кутамиз.

— Лекин, бизларни фақат талаб қўйдилар, деб ўйламанг, — дейди ўртоқ Отабекова. — Колхозчилар мени шу кенгашга юборганларида бундай дедилар: Москвага бориб айтингки, бизлар Ватанга кўпроқ пахта бериш учун ҳамма ишларни қиламиз.

Арманистон ССР дан Шаумян номли колхоз раиси **А. Григорьян** Арманистондаги бу илғор хўжаликнинг ажойиб муваффақиятлари тўғрисида гапириб берди. Пахтачиликни ривожлантириш йўлида кўп иш қилган бу колхознинг аъзолари бу экиннинг илғор агротехникасини ўрганмоқдалар ва амалда татбиқ қилмоқдалар, ҳосилдорликни йил сайин оширмоқдалар.

Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг механизатори **В. А. Тюпконинг** сўзини кенгаш қатнашчилари зўр қизиқиш билан тингладилар. У пахта етиштиришдаги комплекс механизациялаш тажрибаси ҳақида гапириб берди. Станция коллективи мавжуд машиналардан тўғри фойдаланиб, ўтган йил бир гектар ердаги ғўзани парвариш қилиш учун 24.4 киши-куни сарфлади. Бир центнер пахтани етиштириш учун 0.9 киши-куни сарфланди. Пахта терадиган мавжуд машиналарни қўлланиш бутун пахтанинг 93 процентини механизмлар ёрдами билан териб олишга имкон берди.

Селекциячи **В. П. Красичков** (Тожикистон ССР) ўз сўзида селекциячилик-уруғчилик иши ҳосилдорликни ошириш учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Тожикистон селекциячилари кейинги вақтларда пахтанинг бир қанча янги перспектив сортларини етиштирдилар. Бу сортлардан бири ҳозирги вақтда етиштирилаётган сортлардан беш кун илгари пишади ва гектарига 4-5 центнер ортиқ ҳосил беради, бошқа бир сорти эса қурғоқчиликка жуда яхши бардош беради. Бу сортларнинг ҳар иккаласининг тола сифати чет эл сортларининг тола сифатидан устун туради. Бундан ташқари, селекциячилар ингичка толали ва оддий сортларнинг энг яхши сифатларига эга бўлган пахтани ҳам етиштирдилар.

Музокараларда яна Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси **М. Муҳаммаджонов,** Туркманистон ССР даги Тельман номли колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **О. Эрсариев,** Қозоғистон ССРдаги Омонгелди номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Усмонов,** Тожикистон ССР даги «Москва» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **С. Урунхўжаев,** Андижон область партия комитетининг секретари **Р. Қурбонов,** Тожикистон ССР даги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи **Д. Қулиев,** Туркманистон ССР Қишлоқ хўжалик министри **К. Алиев** ҳам сўзладилар.

19 февралда кенгаш ўз ишини давом эттирди.

19 февралда Катта Кремль саройида пахтачиликнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тўғрисидаги докладлар юзасидан музокаралар давом этди.

**А. Б. Аристов, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов. А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, А. Н. Косигин, М. Г. Первухин** ўртоқлар президиумга чиққанларида кенгаш қатнашчилари уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Кенгашда Афғонистон, Болгария Халқ Республикаси, Бирма Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси қишлоқ хўжалик ходимлари делегациялари қатнашмоқдалар.

Эрталабки мажлисда Қирғизистон КП Араван район комитетининг секретари **Б. Иброҳимов** биринчи бўлиб сўз олди.

Ўзбекистон КП Тошлоқ район комитетининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Х. Эрматов** ҳам янги агротехниканинг афзалликларига тўхталиб ўтди. Ўтган йили, дейди у, районда минглаб гектар ерда ёки бутун экин майдонининг тўртдан уч қисмида ғўза туплари квадрат-уялаб жойлаштирилди ва икки томонлама парвариш қилинди. Механизациялаш илғор колхозларнинг ғўза парваришида қўл меҳнатини қўлланишдан тамомила воз кечишларига имкон беради. Бу эса мўл ҳосил олиш ва пахта етиштиришда сарфланган меҳнатни кўп даража камайтириш имконини берди.

Кенгаш қатнашчилари Москвадаги М. В. Фрунзе номли йигирув-тўқув фабрикасининг директори **С. Леонованинг** сўзини иштиёқ билан тингладилар. С. Леонова пахтакорларга пойтахт тўқимачиларининг қизғин саломини топширди.

— Кремлдаги учрашувимиз, — деди у,—мамлакатимиз халқларининг бузилмас қардошларча дўстлигини, ленинча миллий сиёсатнинг тўғрилигини исбот этган янги бир далил бўлди.

Тўқимачилар бундан буён ҳам газлама ишлаб чиқаришни такомиллаштирадилар. Аммо, дейди ўртоқ Леонова, бунинг учун сизларнинг ҳам ёрдамингиз керак. 1957 йилда олинган ҳосилда сифати паст толали пахта оз эмас эди. Тола кўпинча тоза бўлмайди. Дуруст, бунда пахта тозалаш заводларининг ходимлари айбли. Лекин қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахтанинг фабрикаларга қай ҳилда юборилишига бефарқ қарамасликлари лозим. Тўқимачилар пахта заводларида пахтанинг тозаланишини зўр эътибор билан кузатиб туришни пахтакорлардан сўрайдилар.

Озарбайжон ССРдаги 1 Май номли колхознинг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ш. Гасанова** қуйидагиларни айтди: биз Аракас дарёсидан сув олдик ва эндиликда пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдамиз.

Шундай муваффақиятларга эришувимизга, дейди нотиқ, Ўзбекистон колхозчилари билан ўтказиб келаётган мусобақамиз анча катта ёрдам берди, Ўзбекистон колхозчилари пахта етиштиришдаги илғор методларни жорий қилишда бизга ёрдам бермоқдалар. Уларга бу ёрдам учун раҳмат!

Бирма Иттифоқи Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги министрлигининг парламент секретари **Такин Чан Тун** жаноблари кенгашга таклиф этилганлиги учун Совет ҳукуматига қизғин ташаккур изҳор қилади.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари **С. Н. Нуритдинов** айтадики, область колхоз ва совхозлари 1957 йилда ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар ва ҳар гектар ердан 24,7 центнердан пахта олдилар.

Колхозларнинг йириклаштирилиши, янги прогрессив агротехниканинг жорий қилиниши ва тракторлалчилик бригадаларининг вужудга келтирилиши пахта етиштиришни кўпайтиришга ёрдам берди. Кейинги икки йил ичида пахта етиштиришда меҳнат унумдорлиги 30-40 процент кўпайди. Бу йил 170 минг гектар ерда ғўзани машиналар ёрдами билан икки томонлама парвариш қилиш мўлжалланади. Пахта далаларида бажариладиган ҳамма ишларнинг комплекс механизациялаштирилиши кўп кишиларни бошқа ишлар учун, шунингдек Мирзачўлда янги ерларни ўзлаштириш учун бўшатиш имконини беради. Мирзачўлда яқин тўрт-беш йил ичида суғориладиган экин майдони 200 минг гектардан зиёд ортади. Областда шу давр ичида пахта майдони бир ярим баравар ортади, бир мавсумда олинадиган ялпи пахта ҳосили эса 700 минг тоннадан ошиқ бўлади.

Тожикистон республикасида Куйбишев номли совхознинг директори **Ю. Д. Воронин** сўзга чиқади.

Болгария Халқ Республикасидаги Голям Дол қишлоғи меҳнат деҳқончилик кооперативининг раиси **К. Георгиев** бир неча қишлоқни бирлаштирган ана шу кооперативнинг ривожланиши тўғрисида сўзлаб берди. Кооперативнинг асосий даромадлари узумчилик ва пахтачиликдан олинади. Кооператив ҳар гектар ердан 21,1 центнердан пахта етиштирмоқда ва пахта ҳосили жиҳатидан Болгарияда биринчи ўринни эгаллайди.

**Васхнил** академиги **А. Н. Аскоченский** ўз нутқида пахта етиштириладиган районларда ирригация ишлари ва суғориш проблемаларига тўхталиб ўтди.

Афғонистон Қишлоқ хўжалик министрлиги агрономия департаментининг бош директори **Муҳаммад Ясин Маил** жаноблари сўз олади.

У пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида қатнашишга таклиф этганликлари учун Афғонистон ҳукумати ва халқи номидан Совет ҳукуматига ва совет халқига самимий, дўстлик туйғуларини изҳор қилади.

Афғонистон вакили кенгаш қатнашчиларини ўз мамлакатида пахтачиликнинг қандай ривожланаётганлиги билан қисқача таништиради ва Совет Иттифоқида мўл ҳосил етиштираётган хўжаликларнинг тажрибаси катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапиради.

Корея Халқ-Демократик Республикаси Ер ишлари министрлиги план бошқармасининг бошлиғи **Ким Пун Чин** минбарга чиқади. У Корея Халқ-Демократик Республикасидан қишлоқ хўжалигида ва, жумладан, пахтачилик соҳасида эришилган муваффақиятлар тўғрисида гапиради.

Қозоғистон ССРдаги «Пахтаорол» совхозининг директори **В. Н. Куликов** қуйидагиларни айтади: бу совхоз кўп миллатли Совет Иттифоқи халқлари дўстлигининг чинакам символи бўлиб қолди. Совхозда Ватанимиздаги кўп халқларнинг вакиллари ишламоқдалар. Қардош республикаларнинг пахтакорлари ва Албания, Болгария, Польша, Хитой, Югославия. Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги дўстларимиз совхозга тез-тез келиб турадилар. Ҳозирги вақтда Болгария ёшларининг катта бир группаси шу совхоздадир.

СССР Қишлоқ хўжалик министри **В. В. Мацкевич** ўз нутқида мамлакатда пахта етиштиришни янада кўпайтириш резервларига тўхталиб ўтди. Аввало, дейди у, суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш ва барча колхоз ҳамда совхозларнинг суғориладиган майдоннинг ҳар бир квадрат метридан тўғри фойдаланишларига эришмоқ керак.

Пахтачиликни янада ривожлантириш суғориладиган янги ер майдонларини ишга солишни талаб этади. Бу соҳада Мирзачўлда кўп иш қилинмоқда. Мирзачўлда 300 минг гектар ерни ўзлаштириш мўлжалланди. Қорақум канали қурилмоқда. Марказий Фарғонада катта массивлар ўзлаштирилмоқда. Қарши даштларини ва Зарафшон этакларидаги ерларни суғориш кун тартибида турибди. Янги ерларда юксак даражада механикалаштирилган йирик совхозларни вужудга келтириш—мазкур ерларни ўзлаштиришнинг энг самарали йўлидир.

Кенгаш қатнашчилари, дейди ўртоқ Мацкевич, бир қанча танқидий фикрларни айтдилар ва кўпгина таклифлар киритдилар. Госплан ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ана шу мулоҳаза ва таклифларни қараб чиқадилар ҳамда зарур чораларни кўрадилар.

Кенгашда Туркманистон ССР, Мари областидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **Г. Анамуҳамедова,** Озарбайжон ССР Қишлоқ хўжалик министри **Г. А. Сеидов,** Ўзбекистон ССР, Наманган областидаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Х. Соиббоев,** Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси **Н. Жапоқов,** Қирғизистон КП Жалолобод область комитетининг секретари **Т. Б. Болтагулов** ҳам нутқ сўзладилар.

Кечки мажлисда кенгаш қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари **Н. С. Хрушчев** нутқ сўзлади.

Кенгаш колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг Ўзбекистон ССРда, Тожикистон ССРда, Туркманистон ССРда, Озарбайжон ССРда, Қозоғистон ССРда, Қирғизистон ССРда ва Арманистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан олган мажбуриятларини якдиллик билан қабул қилди.

Шу билан пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини тамомлади. (ТАСС).



МОСКВА. Катта Кремль Саройида Бутуниттифоқ пахтакорларининг кенгаши бўлиб ўтди. **Суратда:** Катта Кремль Саройининг мажлислар залида. Кенгашда иштирок этаётган Ўзбекистон ССР пахтакорлари (чапдан ўнгга): Наманган областидаги Ленин номли колхознинг раиси **А. Отабоев,** Тошкент область, Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхознинг раиси **М. Муҳамаджонов,** Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси **Э. Усмонов** ва шу район партия комитетининг секретари **С. Отабоев** ўртоқлар.

**Н. Ситников** фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

## ЧЕТ ЭЛЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚА СОВЕТ ЖАМИЯТЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари Бутуниттифоқ конференциясининг қатнашчиларини қизғин табриклайди.

СССРда чет давлатларнинг халқлари билан дўстлик ва маданий алоқа Жамиятларининг тузилганлиги мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеадир ва совет халқи кенг табақалари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятлари халқларни бир-бирларининг тарихи, экономикаси, маданияти, фани, турмуши билан таништириш, кенг жамоатчилик доираларининг намояндалари ўртасида маҳкам алоқалар ўрнатиш ва халқларнинг ижодий фаолиятига доир турли соҳаларда тажриба алмашиш йўли билан СССР халқларининг жаҳондаги барча халқлар билан дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, ишончи ва маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат олижаноб вазифани амалга оширишлари лозим.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятларининг бу фаолияти совет халқининг бошқа ҳамма давлатлар билан, улардаги ижтимоий ва сиёсий тузум қандай бўлишидан қатъи назар, тинч-тотув яшаш йўлидаги интилишига тамомила мос бўлиб тушади. Бу жамиятларнинг фаолияти тинчликни ва халқаро хавфсизликни сақлаш ишига хизмат қилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятлари Конференциясига ўз ишида муваффақият тилайди ҳамда Конференция қарорлари совет халқининг ер юзидаги барча мамлакатлар халқлари билан ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради ҳамда совет жамоатчилиги кенг доираларини ана шу вазифани амалга оширишга жалб этади, деб ишонч билдиради.

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми Украина комсомоллари ва ёшлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг Донбассда ўттиз еттита кўмир шахтасини тезкорлик билан қуриш ва ишга тушириш соҳасида муваффақиятли ишлаганликлари учун бу қурилишда алоҳида ўрнак кўрсатган ёшлардан 1270 кишини орденлар ва медаллар билан мукофотлади.

28 киши Ленин ордени билан, 115 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 443 киши «Ҳурмат Белгиси» ордени билан, 784 киши «Шавкатли меҳнат учун» ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари билан мукофотланди.

